

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.I.01.11 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЙБЕРДИЕВ ЗАФАР РАХИМОВИЧ

**ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ
ШАРОИТИДА МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси
08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти.**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Худайбердиев Зафар Рахимович

Инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши шароитида меҳнат
бозорининг амал қилиш механизмини такомиллаштириш..... 3

Худайбердиев Зафар Рахимович

Совершенствование механизма функционирования рынка труда в
условиях формирования инновационной экономики..... 39

Khudayberdiev Zafar Rakhimovich

Improving the mechanism of the functioning of the labor market in
conditions of formation of innovative economy..... 75

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 79

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.I.01.11 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЙБЕРДИЕВ ЗАФАР РАХИМОВИЧ

**ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ
ШАРОИТИДА МЕХНАТ БОЗОРИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси
08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти.**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Iqt266 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Вахабов Абдурахим Васикович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Набиев Эльшод Ганиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Зокирова Нодира Қаландаровна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Дилфуза Валиевна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва
меҳнат муносабатлари вазирлиги

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.01.11 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «27» ноябр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100074, Топкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, 246-02-24, E-mail: rector@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (83 - рақами билан рўйхатга олинган).

(Манзил: 100074, Топкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, 246-02-24, E-mail: rector@nuu.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «11» ноябр кuni тарқатилди.
(2020 йил «11» ноябр даги 9- рақамли реестр баённомаси).



Ш. Г. Юлдашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Қ. Қ. Мамбетжанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари доктори

Х. П. Абулкасимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қотибидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётининг кўрсатишига кўра, глобаллашув тенденцияларининг кучайиши, инновацион иқтисодиёт шаклланиш жараёнларининг чуқурлашуви меҳнат бозорининг амал қилиш механизмини мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо этади. Халқаро меҳнат бозорида иш ҳақи даражаси ўртасидаги тафовутнинг пайдо бўлиши ва ишсизликнинг ошиши ички ҳамда ташқи меҳнат бозори ўртасидаги боғлиқликни мустақкамламоқда. Халқаро меҳнат ташкилотининг баҳолашича, 2000 – 2019 йилларда халқаро мигрантлар сони 57,2 фоизга ортган. Халқаро мигрантлар сони 2000 йилда 173 млн. киши (дунё аҳолисининг 3 фоизи)¹ни ташкил этгани ҳолда, 2019 йилга келиб 272 млн. кишига (дунё аҳолисининг 4,2 фоизи) етди. Жами мигрантларнинг 60,3 фоизи меҳнат мигрантлари ҳисобланади. Улар дунё бўйича меҳнатда банд аҳолининг 4,7 фоизини ташкил этади.²

Жаҳонда глобаллашув жараёнларининг меҳнат бозори амал қилиш механизмига таъсири туфайли юзага келаётган қатор муаммоларнинг илмий ечимини топиш юзасидан мақсадли илмий изланишлар изчил давом этмоқда. Жумладан, меҳнат бозорининг амал қилиш механизмини трипартизм ва ижтимоий мулоқот орқали такомиллаштириш, меҳнат бозорида ахборот-коммуникацион технологиялар тизимини ривожлантириш орқали масофали электрон ёллаш ҳамда ёлланиш жараёнини ривожлантириш (шу жумладан, фрилансинг), юқори билим даражасига эга бўлган кадрларни тайёрлаш, ишчи кучи мобиллигининг кучайиши, таълим муассасалари битирувчиларининг назариядан амалиётга (ўқишдан ишга) ўтиш жараёни, уларнинг меҳнат бозорига мослашуви, ички ва ташқи меҳнат бозорининг ўзаро боғлиқликда ривожланиши, меҳнатга ёллаш жараёнининг янги шакллари, аутсорсингни ривожлантиришга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилган. Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари, COVID-19 сабабли 2020 йилда бошланган пандемия билан боғлиқ вазият меҳнат бозорининг амал қилиш механизмини янада такомиллаштириш масаласини инновацион иқтисодиётнинг долзарб муаммоларидан бирига айлантирмоқда.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси³да белгилаб қўйилган Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларида аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш, жумладан, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари битирувчилари меҳнатда бандлигини таъминлаш, меҳнат бозорида талаб ва таклиф мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини пасайтириш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик

¹ Migration and Remittances Factbook 2011. Second edition The World Bank – Washington, 2010. – P.12.

² Международная трудовая миграция: глобальные оценочные данные МОТ. Издание второе (отчетный год – 2019). <https://www.un.org/ru/sections/issues-depth/migration/index.html> – 2020.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. www.lex.uz

фаоллигини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга мухтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш, шу жумладан, меҳнат бозори эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш кўзда тутилгани, шунингдек, пандемия шароитида Ўзбекистонда 2020 йилнинг 6 ойи давомида ишсизлик даражаси 13,2 фоизни (бу кўрсаткич 2019 йилнинг шу даврида 9,1 фоизга тенг бўлган), 16 – 30 ёшгача бўлганлар ўртасида 20,1 фоизни, аёллар ўртасида 17,4 фоизни ташкил этгани⁴ республикада меҳнат бозорининг амал қилиши механизмини такомиллаштиришни долзарб илмий муаммолардан бирига айлантирди.

Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Қонуни (2018), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги, 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомил-лаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 18 майдаги ПҚ-4716-сон «Томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 964-сон «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашга доир фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш

⁴ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/08/03/ishsizlik/#!>

чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва меҳнат бозорининг амал қилиш механизмини такомиллаштиришга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнида мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.⁵

Меҳнат бозорининг мазмуни, унинг амал қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан International Labour Office (ILO), Harvard University (АҚШ), University of Oxford (Буюк Британия), Миллий тадқиқот университетининг меҳнат бозори тадқиқотлари лабораторияси (Москва, Россия Федерацияси), М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия Федерацияси), Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети (Россия Федерацияси) ва унинг Тошкент шаҳридаги филиали (Ўзбекистон), Омск давлат аграр университети (Россия Федерацияси), Озарбайжон Миллий фанлар академияси ахборот технологиялари институти (Боку, Озарбайжон), Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қошидаги республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва бошқа бир қатор илмий муассасалар, ташкилотларда олиб борилмоқда.

Меҳнат бозорининг амал қилиш механизмини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: меҳнат бозорининг амал қилиш механизмини трипартизм ва ижтимоий мулоқот орқали такомиллаштириш таклиф этилган (International Labour Office), меҳнат бозорида ахборот-коммуникацион технологиялар тизимини ривожлантириш орқали масофали электрон ёллаш ва ёлланиш жараёнини ривожлантиришга эътибор қаратилган (Harvard University, АҚШ); иқтисодиётни инновацион ривожланиши шароитида меҳнат бозорига юқори билим даражасига эга бўлган кадрларни тайёрлаш зарурияти асослаб берилган (University of Oxford, Буюк Британия); таълим муассасалари

⁵ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар асосида тайёрланди: How the ILO works. Tripartism and social dialogue. <https://www.ilo.org/global/about-the-ilo/how-the-ilo-works/lang-en/index.htm>; Using Data Analytics to Inform Labour Market Models. <https://www.hks.harvard.edu/.../using-data-analytics-inform-labour-market-models>; The Global Gig Economy: Towards a Planetary Labor Market? <https://www.oii.ox.ac.uk/.../new-article-the-global-gig-economy-towards-a-planetary-labor-market/>; Адаптация современного образования к потребностям рынка труда. https://www.msu.ru/news/adaptatsiya-sovremennogo-obrazovaniya-k-potrebnostyam-rynka-truda-.html?sphrase_id=2525851; <https://lirt.hse.ru/ielm-project>; Патласов О. Ю. Маркетинговое управление рынком труда. – Омск: ОмГАУ, 2003. – 944 с; www.jpit.az; <http://niitruda.uz/uz/deyatelnost/nauchnie-state.html>

битирувчиларининг назариядан амалиётга (ўқишдан ишга) ўтиш жараёни, уларнинг меҳнат бозорига мослашуви назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этилган ва ёллаш жараёнининг янги шакллари, аутсорсингни ривожлантириш орқали такомиллаштирилган (Москва миллий тадқиқот университетининг меҳнат бозори тадқиқотлари лабораторияси, Россия Федерацияси), меҳнат бозорида ишчи кучи мобиллигининг кучайиши муаммоларига диққат-эътибор қаратилган ва амалдаги таълим тизимини меҳнат бозори эҳтиёжларига мослаштириш таклиф этилган (Москва давлат университети, Россия Федерацияси), меҳнат бозорининг амал қилиш механизми ички ва ташқи меҳнат бозорининг ўзаро боғлиқликда ривожланиши, рақамли иқтисодиёт учун кадрлар тайёрлаш, персонал ва инсон ресурсларини бошқариш, аҳолини иш билан бандлигини тартибга солиш орқали такомиллаштирилган (Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, Россия Федерацияси ва унинг Тошкент шаҳридаги филиали, Ўзбекистон), меҳнат бозорини маркетинг бошқариш орқали унинг амал қилиш механизмининг такомиллаштириш таклиф этилган (Омск давлат аграр университети, Россия Федерацияси), меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларни сифат кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш орқали меҳнат бозорини такомиллаштириш таклиф қилинган (Озарбайжон миллий фанлар академияси ахборот технологиялари институти, Боку, Озарбайжон), инновацион ривожланишни инвестициялар билан таъминлаш, замонавий технологияларга асосланган, фан ва меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан самарали меҳнатда бандликни рағбатлантириш объектив жараён эканлиги асослаб берилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қошидаги республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази, Ўзбекистон); миллий меҳнат бозорини кадрлар тайёрлашни бошқариш орқали такомиллаштириш таклиф қилинган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси, Ўзбекистон), миллий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг модернизациялашуви билан юқори малакали кадрлар бозорининг мутаносиб ривожланиши зарурлиги таклиф этилган (Ўзбекистон миллий университети, Ўзбекистон), кичик бизнесда аҳолини иш билан таъминлаш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар эҳтиёжларига жавоб берадиган қишлоқ меҳнат бозорини моделлаштиришнинг услубий жиҳатлари очиб берилган (Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон).

Дунёда меҳнат бозоридаги ўзгаришларга таъсир этувчи омилларни тизимли таҳлил қилиш борасида қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: норасмий меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш; аҳоли сони ва таркибидан келиб чиққан ҳолда самарали бандлик мезонларини ишлаб чиқиш; меҳнат бозори конъюнктурасидаги ўзгаришларнинг мамлакат иқтисодий хавфсизлик даражасига таъсирини баҳолаш; халқаро меҳнат бозорида ишчи кучи ресурслари таркибининг оптимал нисбатини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Меҳнат бозори иқтисодий категория сифатида А. Смит, А. Маршалл, Ж. М. Кейнс, Т. Мальтус, С. Фишер, Р. Дорнбуш, Р. Шмалензи, Р. Дж. Эренберг, Р. С. Смит, К. Р. Макконнелл, С. Л. Брю, К. А. Писсаридес каби узоқ хорижлик иқтисодчи олимлар⁶ томонидан тадқиқ этилган.

Меҳнат бозорининг бозор муносабатлари шаклланаётган мамлакатларда амал қилиш механизмининг назарий ва амалий жиҳатлари яқин хорижлик иқтисодчи-олимлар Л. С. Бабынина, Ю. Г. Одегов, В. Н. Бобков, В. Т. Баркасов, С. И. Волков, В. Г. Былков, Г. Г. Руденко, Л. А. Покрытая, С. Корташев, Л. Э. Исмаилова, А. В. Лотков, С. Г. Михневалар⁷ томонидан ўрганилган.

Ўзбекистон меҳнат бозорининг амал қилишини ўзига хос жиҳатлари Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Қ. Х. Абдурахмонов, Г. Қ. Абдурахмонова, А. А. Абдуғаниев, Х. П. Абулқосимов, Н. У. Арабов, Д. А. Артиқова, А. В. Ваҳабов, Н. Қ. Зокирова, М. М. Мирзакаримова, Д. Н. Раҳимова, Р. А. Убайдуллаева, Ш. Р. Холмўминов, К. З. Хомитов томонидан таҳлил қилинган.⁸

⁶ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Эксмо, 2007. – 960 с.; Маршалл А. Принципы экономической науки. В 3-х томах. Пер. с англ. – М.: Прогресс, 1993. – Т.2. – 130 с.; Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег. Пер. с англ. – М.: Гелиос АРВ, 1999. – 352 с.; Мальтус Т., Кейнс Дж., Ларин К. Антология экономической классики. – М., 1993. – 486 с.; Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. Пер. с англ. со 2-го изд. – М.: Дело ЛГД, 1995. – 829 с.; Эренберг Р. Дж., Смит Р. С. Современная экономика труда. Теория и государственная политика. – М.: МГУ, 1996. – 800 с.; Макконнелл Кэмпбелл Р., Брю Стэнли Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2-х т. пер. с англ. 11-го изд. Т.1. – М.: 1992. – 399 с.; Кристофер Антониу Писсаридес. Равновесие теории безработицы. Второе издание. The MIT Press Cambridge, Massachusetts London, England, 2000. – 288 с.

⁷ Абдурахманов К. Х., Бабынина Л. С., Одегов Ю. Г. Управление человеческими ресурсами организации. – Ташкент: Фан, 2020. – 252 с.; Бобков В. Н. Неустойчивость занятости: международный и российский контексты будущего сферы труда. Монография. – М.: РеалПринт, 2017. – 560 с.; Баркасов В. Т. Предложение рабочей силы и заработная плата в механизме рынка труда. Волгоград. юр.ин-т. – Волгоград. 1996. – 212 с.; Волков С. И. Экономический механизм достижения равновесия интересов на рынке труда. – Тамбов. 2000. – 168 с.; Былков В. Г. Экономические факторы управления системой регионального рынка труда. – Иркутск: Иркутск. экон. акад., 1996. – 208 с.; Руденко Г. Г., Муртозаев Б. Ч. Формирование рынков труда. – М.: Экзамен. 2004. – 416 с.; Покрытая Л. А. Формирование и функционирование рынка рабочей силы в России (вопросы генезиса и динамики). – М.: 1998.; Корташев С., Одегов Ю., Кокарев И. Трудоустройство: поиск работы. – М.: Экзамен. 2002. – 260 с.; Исмаилова Л. Э. Факторы спроса и предложения на рынке труда, безработица и формы ее проявления. – М.: Ин-т экономики РАН. 1993. – 215 с.; Лотков А. В. Рынок труда и особенности его функционирования в рыночной экономике. – Саратов, 1999. – 228 с.; Михнева С. Г. Рынок труда: методологические и теоретические основы познания (системно-эволюционный подход). – М.: 1999. – 124 с.

⁸ Абдурахмонов Қ. Х., Ҳайтов А. А. Меҳнат бозори ва аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари. – Тошкент: РИА ТФ, 2010. – 72 б.; Абдурахмонов Қ. Х. ва бошқалар. Демография. – Тошкент: IQTISODIYOT, 2014. – 364 б.; Абдурахмонов Қ. Х. Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт. – Тошкент: FAN, 2019. – 592 б.; Абдурахманов К. Х. Экономика труда. – Москва: ФГБОУ ВО «РЭУ им. Г.В.Плеханова», 2019. – 661 с.; Abdurakhmanov K. Labour Economics. Theory and practice. – London: United Kingdom, 2020. – 615 p. Абдурахмонов Қ. Х., Зокирова Н. Қ. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2013. – 536 б.; Абдурахмонова Г. Қ. Кичик бизнесда аҳолини иш билан таъминлаш. Монография. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2014. – 216 б.; Абдуғаниев А., Мирзакаримова М. Ўтиш даври иқтисодиётида меҳнат бозори. – Тошкент: Меҳнат, 1999. – 98б.; Абулқосимов Х. П. Иқтисодиётда инсон омили: шаклланиши, амал қилиши ва фаоллашуви. – Тошкент: Академия, 2006. – 346 б.; Абулқосимов Х. ва бошқалар. Меҳнат бозори ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. – Тошкент: Noshirlik yogdusi, 2016. – 104 б.; Абулқосимов Х., Ваҳабов А., Раҳимова Д. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш йўллари. – Тошкент: 2001. – 324 б.; Артиқова Д. А. Формирование занятости населения в Республике Узбекистан. – Ташкент: Фан, 2005. – 138 б.; Ваҳабов А. В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 320 б.; Zokirova N., Abdurakhmanova G. Population employment in small business and private entrepreneurship. Monograph. – Tashkent: Publishing House of National library of Uzbekistan named after Alisher Navoi, 2014. – 164 p.; Мирзакаримова М. Иқтисодий цикл: таркибий ўзгаришлар ва бандлик масалалари. – Тошкент: Фан, 2010. – 215 б.; Раҳимова Д. Н.,

Иқтисодий адабиётда меҳнат бозоридаги норасмий меҳнатда бандликнинг келиб чиқиш сабаблари АҚШ ва Европа мамлакатларида XX асрнинг 60- йилларидан бошлаб узоқ хорижлик иқтисодчилар К. Харт, Р. Фидлер, Л. Уэбстер, Р. Бромлей, Д. Мид, К. Моррисон, П. Гутманн, Э. Файге, В. Танзи, А. Портес, С. Сассен-Куб, Э. Мингиони, Де Сото асарларида тадқиқ этилган.⁹ Меҳнат бозоридаги норасмий меҳнатда бандлик муаммолари собиқ Иттифоқда XX асрнинг 80- йилларидан бошлаб МДХ тадқиқотчиларидан О. Ю. Патласов, Р. Агабекян, Г. Авагян, Т. Бандюкова, С. Ю. Барсукова, С. Бюссе, К. Гедди, В. Е. Гимпельсон, Т. Л. Горбачева, Т. И. Заславская, Р. И. Капелюшников, С. Кларк, Е. С. Кубишин, В. В. Радаев, Р. В. Рывкина, З. А. Рыжикова, Н. Н. Седова, Д. Чернейко каби олимлар томонидан ўрганилган¹⁰.

Ўзбекистонда меҳнат бозоридаги норасмий меҳнатда бандлик муаммолари мустақиллик йилларида илмий тадқиқотларнинг предметиға айланди. Норасмий меҳнатдаги бандлик ҳолати, таркиби ва ривожланиш йўналишлари Б. Х. Умурзаков, Л. Максакова, Г. Саидова, А. Ортиқов, А. Исаходжаев, А. Шестаков, Д. Артиқова, Д. Расулова, М. Мирзакаримовалар илмий асарларида тадқиқ қилинган.¹¹

Абулқосимов Х. П. ва бошқалар. Миллий меҳнат бозори учун кадрлар тайёрлашни бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2009. – 260 б.; Убайдуллаева Р. А. Демографическая ситуация Узбекистана и перспективы ее развития/Социально-демографические процессы в современном Узбекистане. – Ташкент: Фан, 2009. – 296 б.; Холмўминов Ш. Р., Арабов Н. У. Меҳнат бозори инфратузилмаси. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2016. – 332 б.; Холмўминов Ш. Р., Хомитов К. З., ва бошқалар. Меҳнат бозори ривожланишининг таҳлили. Монография. – ошкент: Fan va texnologiya, 2016. – 308 б.; Холмўминов Ш. Р., Хомитов К. З. ва б. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмлари. Монография. – Тошкент: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2019. – 243 б.; Мирзакаримова М. М. Миллий иқтисодиётда бандлик таркибини такомиллаштиришнинг илмий-назарий жиҳатлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент: 2018. – 82 б.

⁹ Hart K. Informal urban income opportunities and urban employment in Ghana //Journal of Modern African Studies. – 1973. Vol. 11. №1. – P.61 – 90.; Fidler P., Webster L. The Informal Sectors of West Africa //The Informal Sector and Microfinance Institutions in West Africa. Ed. by L. Webster, P. Filder. Washington, 1996. – P.5 – 20.; Bromley R. The urban informal sector: why is it worth discussing? //World Development. 1978. Vol.6. –№9/10. – P.1035 – 1936.; Mead D., Morrisson C. The Informal Sector Elephant // World Development. 1996. Vol. 24. –№10. – P.1611 – 1619.; Gutmann P. The Subterranean Economy //Financial Analysis Journal. 1977. Vol. 33; Statistical Illusions, Mistaken Policies //Challenge. 1979. Vol. 6. – № 22. – P.14 – 17.; Feige E. L., Feige E. How big is the irregular economy? //Challenge. 1979. Vol. 6. – №22. – P.5 – 13; Feige E. L., Feige E. Defining and Estimating Underground and Informal Economies: The New Institutional Economics Approach //World Development. 1990. Vol. 18. – №7. – P.992.; Tanzi V. The Underground Economy in the United States and Abroad. Lexington, Mass: Heath, 1982.; Portes A. The Informal Sector under Capitalism and State Socialism: A Preliminary Comparison //Social Justice. 1988. Vol. 15. – № 3 – 4. – P. 17 – 28.; Portes A., Sassen-Koob S. Making It Underground: Comparative Material on the Informal Sector in Western Market Economies //American Journal of Sociology. 1987. Vol.38. – №1. – P.30 – 58.

¹⁰ Патласов О. Ю. Маркетинговое управление рынком труда. – Омск: ОмГАУ, 2003. – 944 с.; Агабекян Р., Авагян Г. Современные теории занятости. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. – 190 с.; Бандюкова Т. Случайная занятость. <http://www.demoscope.ru/weekly/2004/0175/tema01>.; Гимпельсон В. Нужно ли формализовать неформальную занятость? <http://www.demoscope.ru/weekly/2003/0109/tema03>.; Горбачева Т. Л., Рыжикова З. А. Теоретические и практические аспекты измерения занятости в неформальной экономике. <http://www.demoscope.ru/weekly/2004/0175/analit01>.

¹¹ Умурзаков Б. Х. Организационно-правовые основы регулирования трудовой миграции в Узбекистане. //Международные отношения. – Москва. 2008. – №1; Максакова Л. Миграция населения Республики Узбекистан. – Ташкент: Издательский Дом Эльдинур, 2000. – 115 с.; Саидова Г. ва бошқалар. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. – Тошкент: 2007. – 223 б.; Саидова Г. и др. Макроэкономическая политика и бедность в Узбекистане. – Ташкент: 2005. – 225 с.; Ортиқов А., Исаходжаев А., Шестаков А. Хуфёна иқтисодиёт. –Тошкент: ЎЗР. ИИВ Академияси, 2002. – 108 б.; Артиқова Д. А. Формирование занятости населения в Республике Узбекистан. – Ташкент: Фан, 2005. – 138 б.; Расулова Д. Ишчи кучи миграцияси ривожланишининг назарий асослари. – Тошкент: Молия, 2010. – 197 б.; Мирзакаримова М. Аҳоли иш билан бандлиги таркибини такомиллаштиришнинг илмий-назарий жиҳатлари. – Тошкент: Наврўз, 2019. – 232 б.

Шу билан биргаликда, мамлакатимизда инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши шароитида меҳнат бозорининг методологик асослари, уни давлат томонидан тартибга солиш механизми, воситалари, норасмий меҳнатда бандлик, миграция муаммоларини умумлашган мустақил тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этиш ушбу диссертация мавзусини танлашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг концептуал асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши шароитида меҳнат бозорининг амал қилиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши билан боғлиқ концептуал қарашлар моҳиятини ёритиш;

меҳнат бозори категориясига бағишланган илмий қарашлар эволюциясини қиёсий жиҳатдан илмий таҳлил этиш ва мустақил такомиллашган муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш;

мамлакатда шаклланган меҳнат бозорининг ҳолатини баҳолаш, унинг таркиби ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;

ёшларнинг меҳнат бозорининг алоҳида бир субъекти сифатидаги ўрнини баҳолаш ва улар бандлигининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари моҳиятини ёритиш;

норасмий меҳнат бозорининг амал қилиш механизми қонуниятларини аниқлаш;

мамлакатдаги норасмий меҳнатда бандликнинг меҳнат бозоридаги ўрнини баҳолаш;

меҳнат миграциясининг меҳнат бозорига таъсирини аниқлаш орқали уни тартибга солишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозорининг амал қилиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган инновацион моделлар ва ўрта муддатли даврга мўлжалланган муқобил сценарийларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозори ва ундаги иқтисодий жараёнлар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети меҳнат бозорининг шаклланиши, амал қилиши ва уни такомиллаштириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуасидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида диалектик, илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тарихийлик ҳамда мантиқийлик, статистик таҳлил, математик моделлаш, график тасвирлаш,

прогнозлаш, социологик сўров, эксперт баҳолаш ва иерархик таҳлил қилиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

меҳнат бозорида талаб юқори бўлган йўналишлар бўйича мақсадли кадрлар тайёрлаш учун умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни касбга йўналтириш ишларини республикадаги мавжуд бўш иш ўринларини эътиборга олган ҳолда тизимли ташкил этиш таклифи асосланган;

инновацион вақтинчалик бир марталик ишлар билан таъминлаш бюрolari фаолияти давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш таклифи орқали такомиллаштирилган;

миллий малакали кадрлар тайёрлашнинг истиқбол режаси ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжи ўртасидаги мувозанатни таъминлашнинг иқтисодий механизми меҳнат бозоридаги ишчи кучига бўлган ички ва ташқи талабларни ҳисобга олиш, уюшган меҳнат миграцияси тизимининг ҳуқуқий-институционал асосини яратиш орқали такомиллаштирилган;

меҳнат бозорини инновацион бошқариш модели, интеграциялашган ижтимоий-иқтисодий кластер тузилмасини қўллаш, шунингдек, ўзини ўзи иш билан таъминлаётган меҳнатга лаёқатли аҳоли учун микрокластерларни макрокластер тузилмаларига боғлаш механизми таклиф этилган;

бўшаб қолган ўрта махсус касб-хунар коллежларининг бир қисмида ўзбекистонликлар кўп ишлайдиган мамлакатлардаги бизнес компанияларнинг ишчи кадрлар тайёрлайдиган марказларини ташкил этиш орқали ҳудудий инфратузилма, ҳудудий тузилма ва ёлланувчилар вакили ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатлари такомиллаштирилган;

меҳнат бозорининг иерархик модели ва олтига муқобил вариантли сценарийлари асосида унинг истиқболини белгилаш таклифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

меҳнат бозорига бағишланган илмий ёндашувлар умумлаштирилган, меҳнат бозорининг элементи сифатида «ёллаш» иқтисодий категориясини қўллаш, меҳнатда бандликнинг ноанъанавий шаклларида кенг фойдаланиш асосланган;

меҳнат бозорининг амал қилиш механизмини ахборот-коммуникация технологиялари асосида иш берувчилар ва ёлланувчилар томонидан тегишли маълумотларни киритиш имкониятини яратиш орқали такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар берилган;

меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг мутаносиблигини иш билан таъминлаш бўйича ҳудудий дастурлар орқали таъминлашда хусусийликдан умумийликка тамойилига риоя этиш, аҳоли, шу жумладан ёшлар ва хотин-қизларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигининг шахсий кўникмаларини ривожлантириш масалаларида «жамият – бизнес тузилма – давлат» тамойили «шахс – оила – маҳалла – таълим муассасаси – ташкилот – жамият» ижтимоий шериклик тамойили орқали такомиллаштирилган;

республикада фаолият кўрсатаётган бир марталик, вақтинчалик иш билан таъминлаш бозорлари фаолиятини таҳлил этиш асосида норасмий меҳнат бозорининг амал қилиш механизмини қонуниятлари аниқланган;

иқтисодиётни модернизациялаш шароитида малакали кадрлар тайёрлашнинг истиқбол режаси ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжи ўртасидаги мувозанатни таъминлашда меҳнат бозоридаги ишчи кучига бўлган ички ва ташқи талабларни ҳам ҳисобга олиб ишчи кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

минтақавий меҳнат бозори ривожланишига инновацион ёндашувларни қўллаш, хусусан иқтисодиётни инновацион ривожлантириш мақсадида меҳнат бозорини бошқариш модели ҳамда интеграциялашган ижтимоий-иқтисодий кластер тузилмасини яратиш механизми таклиф этилган;

ўзини ўзи банд этаётган меҳнатга лаёқатли аҳолининг билим, кўникма ва тажрибасини ошириш мақсадида микрокластер тузилмаларини яратиш, улар ёрдамида «давлат – бизнес тузилма – оила – бизнес тузилма – давлат» манфаатлари таъминланиши таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув, усуллар ҳамда маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлилларнинг социологик сўровномалар, математик моделлаш усуллари билан илмий жиҳатдан асосланганлиги, хулоса, илмий ва амалий таклифларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан иқтисодиётни модернизациялаш шароитида меҳнат бозорининг назарий-амалий жиҳатлари, унинг амал қилиш механизмини такомиллаштириш ҳамда мавзуга оид махсус илмий тадқиқотлар ўтказиш, давлат томонидан меҳнат бозорини тартибга солиш бўйича стратегик ва комплекс дастурлар ишлаб чиқишда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чиқарилган хулосалар, ишлаб чиқилган таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ҳудудий бошқармалари ва бўлимларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар малакасини оширишда, Ҳукуматнинг меҳнат бозори амал қилиши ва ривожланишига бағишланган мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишда, олий ўқув юртларида «Иқтисодиёт назарияси», «Замонавий иқтисодий назариялар», «Меҳнат иқтисодиёти», «Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси», «Макроиқтисодиёт» фанларининг ишчи дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда илмий-назарий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида меҳнат бозорининг амал қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий ва амалий таклифлар асосида:

меҳнат бозорида талаб юқори бўлган йўналишлар бўйича мақсадли кадрлар тайёрлаш учун умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни

касбга йўналтириш ишларини республикадаги мавжуд бўш иш ўринларини эътиборга олган ҳолда тизимли ташкил этиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3856-сонли қарорининг 9- банди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1066-сон қарорининг 14- бандини тайёрлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасининг 2019 йил 4 июлдаги 09-14/1264-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб, умумий ўрта таълим муассасаларида юқори синф ўқувчилари учун ўқитиладиган «Касбга ўқитиш» фанининг ўқув дастури «Меҳнат бозорида рақобатбардошлиликнинг шахсий кўникмаларини ривожлантириш» мавзуси билан бойитилди;

инновацион вақтинчалик бир марталик ишлар билан таъминлаш бюrolари фаолиятини давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг тўртинчи устувор йўналиши 5- бандини амалга ошириш механизмига киритилди (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 2 мартдаги 01/00-04/2395-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши аҳоли бандлиги борасидаги чора-тадбирларнинг самарадорлигини ҳамда бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш имконини берди;

миллий малакали кадрлар тайёрлашнинг истиқбол режаси ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжи ўртасидаги мувозанатни таъминлашнинг иқтисодий механизмини меҳнат бозоридаги ишчи кучига бўлган ички ва ташқи талабларни ҳисобга олиш ва уюшган меҳнат миграцияси тизимининг ҳуқуқий-институционал асосини яратиш орқали такомиллаштириш борасидаги таклифидан Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 октябрдаги №ЎРҚ-501-сонли «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10 – 14- моддаларини тайёрлашда (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг 2019 йил 5 июндаги 04/3-15-62-сон маълумотномаси), «2020 йил – Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» Давлат дастурининг тўртинчи йўналиши 4- бандини амалга ошириш механизмига киритилди, шунингдек «2020 – 2024 йилларда Ўзбекистонда Инсон капиталини ривожлантириш концепцияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 2 мартдаги 01/00-04/2395-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини

амалиётда қўллаш хорижий мамлакатларнинг меҳнат бозори конъюнктурасини ўрганиш асосида бўш иш ўринлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш излаётган шахсларга ахборотлар тақдим этиш, хорижда меҳнат қилишни хоҳлаётган шахслар ҳақидаги ахборотни уларнинг розилиги билан хорижлик иш берувчилар ўртасида тарқатиш ва ташқи меҳнат миграцияси жараёнида иштирок этаётган меҳнат бозори субъектларининг ижтимоий ҳимояланишига ҳуқуқий асос яратди;

меҳнат бозорини инновацион бошқариш модели, интеграциялашган ижтимоий-иқтисодий кластер тузилмасини қўллаш, шунингдек ўзини ўзи иш билан таъминлаётган меҳнатга лаёқатли аҳоли учун микрокластерларни макрокластер тузилмаларига боғлаш механизмини яратиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан 2020 йилда «Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича узоқ муддатли Миллий стратегия»ни ишлаб чиқишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 2 мартдаги 01/00-04/2395-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини амалиётда қўллаш аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлашида микрокластерлар фаолияти асосида аҳоли камбағаллигини муайян даражада қисқартиришга асос яратди;

бўшаб қолган ўрта махсус касб-ҳунар коллежларининг бир қисмида ўзбекистонликлар кўп ишлайдиган мамлакатлардаги бизнес компанияларнинг ишчи кадрлар тайёрлайдиган марказларини ташкил этиш орқали ҳудудий инфратузилма, ҳудудий тузилма ва ёлланувчилар вакили ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини такомиллаштириш таклифидан бўшаган ўрта махсус касб-ҳунар коллежларининг 30 тасини Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтказишда, улар негизида марказлар фаолиятини ташкил этишда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 33- бандини тайёрлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 2 мартдаги 01/00-04/2395-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши мамлакат олдида турган ижтимоий вазифаларни ҳал этишда ижтимоий шериклик институтини кенгроқ жорий этиш ва унинг субъектлари таркибига бизнес тузилмани киритиш учун хизмат қилди;

меҳнат бозорининг иерархик модели ва олтига муқобил вариантли сценарийлари асосида унинг истиқболини белгилаш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 220- бандини тайёрлашда, 2020 йилда «Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича узоқ муддатли Миллий стратегия»ни ишлаб чиқишда фойдаланилди

(Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 2 мартдаги 01/00-04/2395-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши хорижий мамлакатларнинг олий таълим муассасалари филиаллари ва кўшма таълим дастурларини ташкил этиш, битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш, олий маълумотли кадрлар сонини кўпайтириш асосида меҳнат бозорида таклиф этилаётган иш ўринлари таркибида олий маълумотлилар салмоғини ошириш имконини яратди;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 27 та, жумладан, 6 та халқаро ва 21 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 56 та илмий иш, жумладан, 2 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 17 та илмий мақола, шундан 4 таси хорижий ва 13 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 244 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида илмий тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг синовдан ўтганлиги, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Миллий иқтисодиётда меҳнат бозори ривожланишининг концептуал асослари»** деб номланган биринчи бобида инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши билан бевосита боғлиқ концептуал қарашларнинг моҳияти, «меҳнат бозори»нинг иқтисодий категория сифатида шаклланиши тўғрисидаги назарий қарашлар эволюцияси, меҳнат бозорининг объекти борасида хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ёндашувлари тадқиқ этилган, меҳнат бозорининг амал қилиш қонуниятлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари хориж тажрибаси билан қиёсий таҳлиллар асосида баён этилган. Тадқиқотлар жараёнида меҳнат бозори ва унинг объектига нисбатан турли-туман илмий-назарий ва илмий-амалий ёндашувлар умумлаштирилиб, мустақил муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

«Ишчи кучи» ва «меҳнат» категориялари «моддий-ашёвий мазмуни – иқтисодий шакли – субъектнинг иқтисодий қиёфаси» каби даражалар орқали тасвирланган.

Биринчи ёндашувда «ишчи кучи» ва «меҳнат» категориялари биринчи даражада моддий-ашёвий мазмун-моҳияти жиҳатидан алоҳида тасвирланган. Иккинчи даражада иқтисодий шакли жиҳатидан «ишчи кучи» меҳнат бозорида товар шаклини, ишлаб чиқариш жараёнида бўлса «меҳнат» категориясининг иқтисодий шакли билан мос келувчи ўзгарувчан капитал шаклини олган. Учинчи даражада субъектнинг иқтисодий қиёфаси жиҳатидан эса ҳар иккала категория битта иқтисодий субъект – ёлланма ишчига мужассамлашган.

Иккинчи ёндашувда эса биринчи даражада «меҳнат» категориясининг потенциал ва функционал ҳолатлари узвий биргаликда, иккинчи даражада «меҳнат» омил сифатида, учинчи даражада эса «ишчи кучи» сифатида тасвирланади.

Таҳлиллар кўрсатишича, «ишчи кучи» категорияси иккинчи ёндашувда алоҳида иқтисодий мазмун касб этиб, бошқа таркибий даражада жойлашади. Агар биринчи ёндашувда «ишчи кучи» моддий-ашёвий даражанинг категорияси сифатида намоён бўлса, иккинчи ёндашувда эса иқтисодий муносабатлар субъекти кўринишида намоён бўлади.

Меҳнат бозорига нисбатан биринчи ва иккинчи ёндашувларнинг қиёсий таҳлили кўрсатишича, мутлақо фарқланадиган иқтисодий ҳодисалар бир хил тушунчалар билан ёки аксинча, бир хил иқтисодий ҳодисалар турли атамалар билан номланган.


Айрим иқтисодчилар юқоридаги турли назарияларни умумлаштиришга ҳаракат қилиб, бозорда меҳнатнинг ўзини сотиш мумкин эмаслигидан фойдаланиб, бозорда «меҳнат хизматлари» сотилади, деган хулосага келишади. Ушбу илмий ёндашув муаллифлари ушбу товарни сотиш бўйича юзага келадиган муносабатларнинг ўзи қандай шаклланиши ва ёллаш жараёнидаги битимнинг қандай ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини асослаб беролмайдилар.¹² Учинчи назарияга мувофиқ, «ишчи кучи» категорияси моддий-ашёвий мазмуни – иқтисодий шакли – субъектнинг иқтисодий қиёфаси сингари даражалар орқали бир хил тасвирланади.

Таклиф этилаётган тўртинчи назария иқтисодий назарияда илмий қизиқиш уйғотиши табиий (1- расм).

Меҳнат бозоридаги ёллаш муносабатларининг муҳим аҳамиятига нисбатан қуйидаги гипотезани илгари суриш мумкин: бирон-бир маҳсулот яратиш, хизмат кўрсатиш учун ишчи кучи юзасидан олди-сотди битими тузилган бўлса, ишчи кучи аввал сотилади ва меҳнат жараёни юзага келади. Агар ҳақ тўланиши маҳсулот яратилгандан ёки хизмат кўрсатилгандан сўнг амалга оширилса, меҳнат жараёнидан аввал ишчи кучининг сотилиши белгиланган бўлади ва меҳнат жараёнидан сўнг ишчи кучининг сотилиши

¹² Брагинский С. Политическая экономия: дискуссионные проблемы, пути обновления. –М.: Мысль, 1991. – .105; Экономика труда и социально-трудовые отношения /Под ред. Э. Г. Меликьяна, Р. П. Колосовой. – М.: МГУ, 1996. – С.107; Проблемы воспроизводства рабочей силы в условиях перехода к рынку /Науч. ред. Г. В. Богодевич, В. К. Бурлачков. РАН, Мин.труда Рос. Федерации, Ин-т проблем занятости, Центр уровня жизни, социальной защищенности и рынка труда. – М., 1993. – С.105.

юзага келади. Демак, «меҳнатнинг сотилиши» меҳнат жараёнидан аввал ёки кейин содир бўлиши «меҳнатнинг сотилиши» ва «меҳнатнинг сотилишини белгиланиши» ўртасидаги фарққа боғлиқ бўлади ва амалда «ишчи кучи бозори» ва «меҳнат бозори» ўртасидаги фарқлардан бири юзага келади.



1- расм. «Ишчи кучи» ва «меҳнат» категорияларининг мазмунини очиш бўйича таклиф этилаётган методологик ёндашув¹³

Меҳнат бозори ва унинг амал қилиш механизми юзасидан амалга оширилган тадқиқотларнинг таҳлили, унинг детерминатларини аниқлаш имконини берди (1- жадвал).

Меҳнат бозорининг амал қилиш механизми таҳлили жами иқтисодий фаол аҳолини меҳнат бозорига кирувчилар қаторига киритиш ишчи кучини товар сифатида биринчи ўринга олиб чиқади ва меҳнат унумдорлигини иккинчи даражага тушириб юборади, деган гипотезани илгари суриш имконини беради.

Меҳнат бозорида ишга жойлаштиришга муҳтож бўлиб қолган шахсларни потенциал ишчи кучига қараб ишга жойлаштирилганда, унинг функционал ишчи кучи кейинги ўринга ўтиб қолади. Меҳнат жараёнидан сўнг меҳнатда бандларнинг бир қисмини ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар қаторига қўшилиши содир бўлади. Таълим хизматлари бозори меҳнат ва инновациялар бозоридан алоҳидалашгани, улар ўртасида бевосита алоқадорлик бўлмагани сабабли таълим соҳаси меҳнат бозори ўзгаришларига кеч қолиб мослашмоқда. Ушбу гипотезанинг амалий жиҳати шундаки, бир вақтнинг ўзида бўш иш ўринлари ва ишсизлик сақланиб қолмоқда.

¹³ Диссертант томонидан тузилган.

Меҳнат бозори детерминантларига бўлган илмий ёндашувлар¹⁴

Назарий жиҳатлар	Т. Мальтус	Ж. М. Кейнс	О. Патласов ¹⁵
Меҳнатда бандликнинг биологик аниқлови	+	–	–
Тўла меҳнатда бандлик, ижтимоий ва мулкый тенгликнинг инкор этилиши	+	+ –	+
Меҳнатда бандликнинг оптимал даражасини демографик жараёнлар орқали тартибга солиш мумкинлиги	+	– +	+ –
Демографик жараёнлар ва меҳнат миграциясининг ўзаро таъсири	–	–	–
Меҳнатда бандлик ва иқтисодий ўсишнинг ўзаро таъсири	–	+	+
Иқтисодий мувозанат тушунчаси	–	+	+
Иқтисодиётга давлат аралашувининг иқтисодий цикл фазалари билан боғлиқлиги	–	+	–
Норасмий меҳнатда бандлик тушунчаси	–	–	–
Меҳнат миграциясининг назарий ва амалий жиҳатлари	–	–	–

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига асосан, 2000 – 2018 йилларда меҳнат бозоридаги танглик даражаси (битта бўш иш ўрнига тўғри келадиган ишсизлар сони) 3,1 – 8,7 коэффициент оралиғида бўлгани ҳолда, 2019 йилда бу кўрсаткич 3 коэффициентни ташкил этди, яъни 2000 йилда ишга жойлашишга муҳтожлар сони 421,4 минг кишини ташкил этиб, бўш иш ўринлари сони 135,3 мингтага тенг бўлган бўлса, 2019 йилда 1 млн. 335, 3 минг кишига 445,2 мингта бўш иш ўринлари¹⁶ тўғри келган. Агар мавжуд бўш иш ўринлари сони билан расмий рўйхатга олинган ишсизлар сони ўртасидаги нисбатни таҳлил этсак, юқорида келтирилган ҳолатнинг аксини кузатишимиз мумкин, яъни 2000 – 2018 йилларда меҳнат бозоридаги танглик даражаси (битта бўш иш ўрнига тўғри келадиган ишсизлар сони) 0,3 – 0,2 коэффициент оралиғида, янада аниқроқ айтганда, битта расмий ишсизга 3,1 – 4,9 та бўш иш ўрни тўғри келган бўлса, 2019 йилда эса бу кўрсаткич 0,13 коэффициент, яъни битта расмий ишсизга 7,7 та бўш иш ўрни тўғри келган.¹⁷

Ушбу ҳолат циклик кўринишга эга эканлигидан ёки ишсизлар сони билан ишчи ўринлари ўртасида, шу жумладан меҳнат бозорини шакллантиришда демографик омиллар, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва таркибий ўзгаришларнинг истиқболли йўналишларини эътиборга олган ҳолда ёшларни,

¹⁴ Жадвал илмий манбалар асосида диссертант томонидан тузилган. – Х. 3.

¹⁵ Патласов О. Ю. Маркетинговое управление рынком труда. – Омск: ОмГАУ, 2003. – С.80.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари. 2020.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида диссертант ҳисоб-китоби.

жумладан касб-хунар коллежлари битирувчилари эгаллаган мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлашда номутаносибликлар мавжудлигидан далолат беради.

Бўш иш ўринларининг касб йўналишлари бўйича таркибида тикувчи-бичувчи, йигирувчи, газ пайвандловчи, электрик, чилангар, электромонтажчи, ҳайдовчи, сантехник, пармаловчи, қурилиш ишлари, жумладан сувоқчи-бўёқчи, том ёпувчи, ғишт терувчи, бетончи, кран машинисти, бульдозорчи каби меҳнат бозорида талаб юқори бўлган ишчи касблари муҳим ўрин тутди.

Ушбу ҳолатга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидагича билдирган: «Ҳайрон қоласиз, жойларда оддий қурувчи, тракторчи ёки механизатор йўқ. Ишнинг кўзини биладиган ер тузувчи ёки сувчи топиш амримаҳол. Кўп жойларда коллежларни битирган болаларни керакли касбга қайта ўқитишга тўғри келмоқда. Қани, касб тарбияси? Қани, меҳнат бозорини ўрганиш?»¹⁸

Шу нуқтаи назардан, ёшларни ҳунар эгаллашга йўналтириш, касб-хунар муассасаларида ёшларга ички ва ташқи меҳнат бозорлари талабларини ўрганган ҳолда билим беришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг «**Инновацион иқтисодиёт шароитида меҳнат бозорининг ривожланиш тенденциялари**» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон меҳнат бозорининг таркиби, ривожланиш тенденциялари аниқланган ва унинг ҳозирги ҳолати баҳоланган, худди шунингдек, меҳнат ресурсларига демографик ўзгаришлар таъсирининг хусусиятлари, Ўзбекистон меҳнат бозорида ёшларнинг ўрнини ошириш муаммолари ўрганилган.

Агар илмий абстракциялаш усулидан фойдаланиб, меҳнат бозорига таъсир этувчи етакчи омил сифатида демографик омилга назар ташласак, мамлакатимиз аҳолиси мустақиллик йилларида қарийб 13,7 миллионга кўпайиб, ўртача йилига 458 минг кишига ортганини ва жами аҳоли сони 34 млн. кишига етганини ёки 1,7 мартага ўсганини, бунда шаҳар аҳолиси қарийб 2 мартага, қишлоқ аҳолиси эса 1,3 мартага кўпайганини кузатишимиз мумкин. Жумладан, агар 1991 йилда жами аҳоли таркибида шаҳар аҳолисининг ҳиссаси 40 фоизни ташкил этгани ҳолда, ушбу кўрсаткич 2019 йилга келиб 50,6 фоизга етди. Мос равишда қишлоқ аҳолиси 60 фоиздан 49,4 фоизга камайди.¹⁹ Бу ҳолат мамлакатимизда урбанизация жараёни рўй бераётганлиги, 966 та аҳоли пунктига шаҳар мақоми берилиши билан изоҳланади.²⁰


¹⁸ Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2018 йил 8 декабрь. www.president.uz

¹⁹ Труд и занятость в Узбекистане. 2015 – 2018. Статистический сборник. Ташкент, 2019. – С.14; Сборник статистических материалов. 1990. Москва, 1991. – С.65; Статистический сборник. Основные тенденции и показатели социально-экономического развития Республики Узбекистан в годы независимости (1990 – 2010 гг.) и прогнозы на 2011 – 2015 гг. – Ташкент, 2011. – С.93; Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурсларининг 2019 йил январь – декабрь ойларидаги (йиллик) ҳисоб-китоб балансига шарҳлар. 2019. 2- бет; Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари. 2020. асосида диссертант томонидан ҳисобланган.

²⁰ Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по совершенствованию административно-территориальной структуры населенных пунктов Республики Узбекистан», 13 марта 2009 года №68. www.lex.uz

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, меҳнат ресурслари жами аҳолининг 56,6 фоизини ташкил қилиб, унинг аксарият қисми Самарқанд (2122,1 минг киши), Фарғона (2056,2 минг киши), Қашқадарё (1819 минг киши), Андижон (1745 минг киши), Тошкент (1632,6 минг киши), Наманган (1578,1 минг киши) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (1585 минг киши)²¹ тўпланган.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, республика минтақаларида демографик ривожланиш нисбий кўрсаткичлари тенденцияси туғилиш даражасининг пасайишида намоён бўлмоқда. Бу эса аҳолининг ёш гуруҳлари таркибига бевосита ўз таъсирини кўрсатмоқда. (2- расм).



2- расм. Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши, %²²

Жумладан, аҳоли ёш гуруҳлари таркибида меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар улуши 1991 йилдаги 43,1 фоиздан 2019 йилда 28,6 фоизгача камайгани ҳолда, меҳнатга лаёқатли аҳолининг солиштира салмоғи 49,1 фоиздан 61,4 фоизга, меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар салмоғи 7,8 фоиздан 10 фоизга кўпайган²³

БМТнинг прогноз маълумотларига кўра, ушбу тенденция 2020 – 2030 йилларда ҳам кузатилади. Бу ҳолат туғилишнинг камайиши ва ўртача умр кўриш ёшининг ортиши билан боғлиқ бўлиб, кейинги йилларда аҳолининг глобал қариши жараёнини тезлашишидан дарак беради. 2019 йилда аҳолининг ўртача ёши 25,5 ёшни, шундан қишлоқ аҳолиси 24,1 ёшни, шаҳар аҳолиси 27,9 ёшни ташкил этди.²⁴

²¹ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари. 2020.

²² Население Узбекистана 1991 – 2001 годы. Статистический сборник. – Ташкент, 2002.; Труд и занятость в Узбекистане. 2000; 2007; 2009; 2011; 2013; 2014 – 2017; 2015 – 2018. Статистические сборники. – Ташкент, 2001; 2007; 2009; 2011; 2013; 2018; 2019. ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари. 2020. асосида диссертант томонидан тузилган.

²³ Труд и занятость в Узбекистане. 2015 – 2018. Статистический сборник. Ташкент, 2019. – С.19; Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари. 2020.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари. 2020.

Ушбу кўрсаткичлар халқаро демографик таснифга кўра, Ўзбекистонни аҳолиси ёш бўлган давлатлар каторига кўшиш имконини беради. Шунингдек, меҳнатга лаёқатлилар жами аҳолининг асосий қисмини ташкил этиши ва аҳолининг деярли 2/5 қисмини яқин йиллар ичида меҳнат ресурслари сафига кўшилиши кутилаётган ёшлар ташкил этиши меҳнат бозоридаги кескин вазият яқин келажакда сақланиб қолишини кўрсатади. Натижада, меҳнатга лаёқат ёшидаги ҳар 1000 кишига тўғри келадиган демографик юк 1991 йилдаги 1035 кишидан 2005 йилда 726 кишига, 2010 йилда 652 кишига, 2013 йилда 620 кишигача ёки 1991 йилга нисбатан 1,6 мартага камайгани ҳолда 2014 – 2019 йилларда ҳар 1000 меҳнатга лаёқат ёшидаги аҳолига тўғри келадиган демографик юк 629 кишидан 665 кишигача ошган.²⁵ Ушбу ҳолат аҳолининг ёш гуруҳларидаги ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, 2014 йилдан бошлаб аҳоли ёш гуруҳининг таркибида меҳнатга лаёқат ёшидагиларнинг улуши 61,7 фоиздан 61,4 фоизгача ёки 0,3 пунктга камайган.

Аҳоли ёш гуруҳи таркибида меҳнатга лаёқат ёшидагилар улушининг камайиб бориши ҳар 1000 меҳнатга лаёқат ёшидаги аҳолига тўғри келадиган демографик юкнинг ортишига сабаб бўлади ёки аксинча. 2020 – 2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорида демографик юкнинг бирмунча пасайиши кутилмоқда. Ушбу кўрсаткич яқин 10 йил давомида Ўзбекистон меҳнат бозори демографик босим остида бўлишидан дарак беради ва меҳнатга лаёқат ёшидагилар улушининг ортиши уларнинг меҳнатда бандлиги масаласи ва муммосининг янада долзарблигини оширади.

Ушбу демографик юк меҳнатга лаёқатли аҳолининг тўлиқ меҳнатда бандлиги таъминланган шароитдагина амал қилади. Агар меҳнатга лаёқатли аҳоли таркибида ишга жойлашишга муҳтож аҳоли қатламининг мавжудлигини ҳисобга олсак, бу кўрсаткич янада ортиши мумкин.

Шунингдек, авлодлар алмашинувининг интенсивлиги коэффиценти 2000 йилда 5,6ни, 2005 йилда 5,3ни, 2010 йилда 4,2ни, 2015 йилда эса 1,24ни, 2019 йилда эса 1,18ни ташкил этган. Ушбу демографик кўрсаткич меҳнат бозорига кириб келувчилар ҳамда ундан чиқиб кетувчилар сони ўртасида яқинлашиш кутилаётганини ҳамда келгусида ушбу тенденция сақланиб қолишини кўрсатади. Жумладан, 2025 йилга бориб, 2019 йилга нисбатан аҳоли таркибида меҳнатга лаёқат ёшидан кичиклар 3,4 пунктга камайиши, шундан меҳнатга лаёқатли ёшдагилар 1,6 пунктга ва меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар 1,8 пунктга ортиши бундан яққол далолат беради.

2019 йилда Ўзбекистонда меҳнатда бандлар сони 13,5 млн. кишидан ортик бўлиб, 1991 йилга нисбатан 1,7 мартага ортган.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, мамлакатда меҳнат ресурслари сони 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 178 минг кишига кўпайгани ҳолда, иқтисодиёт тармоқларида меҳнатда бандлар сони 268 минг кишига кўпайган, шундан иқтисодиётнинг расмий секторида меҳнатда бандлар сони 64,4 минг кишига,

²⁵ Население Узбекистана 1991 – 2001 годы. Статистический сборник. – Ташкент, 2002.; Труд и занятость в Узбекистане. 2000; 2007; 2009; 2011; 2013; 2014 – 2017; 2015 – 2018. Статистические сборники. – Ташкент, 2001; 2007; 2009; 2011; 2013; 2018; 2019. ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари. 2020. асосида диссертант томонидан тузилган.

норасмий секторда меҳнатда бандлар сони 204 минг кишига, шу жумладан республикадан ташқарига ишлаш учун кетганлар сони 76 минг кишига ортган.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, давлат аҳоли сонининг тез ўсишидек демографик муаммони катта маблағ сарфлаб вазиятни ўзгартира олмаган. Таҳлилларнинг кўрсатишича, туғилиш ва оилани режалаштириш билан боғлиқ демографик чоралар ижтимоий-иқтисодий соҳанинг ривожланиши билан мос келмаса қутилган натижани бермайди. Бу борадаги Ҳиндистон, Япония, Хитой сингари Осиё мамлакатларининг бой тажрибаси ўрганилган.

Мамлакатимизда минтақавий меҳнат бозорининг шаклланиши тизимида қуйидаги муаммолар мавжудлиги кузатилмоқда:

1. Меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган ёшларнинг олган билимлари ҳамда касбий кўникмаларининг амалиёт талабларига мос келмаётганлиги, яъни мамлакатнинг инновацион ривожланиш эҳтиёжларидан ва меҳнат бозори талабларидан ортда қолаётгани;

2. Миллий иқтисодиётнинг реал сектори ва таълим тизимига мутахассис тайёрлайдиган ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини, ўқув лабораториялари ва таълим бериш жиҳозларининг амалиётдан орқада қолаётгани;

3. Касбий таълим берувчи ўқитувчи ва мураббийларнинг профессионал даражасининг пастлиги;

4. Касб-ҳунар таълими муассасаларида ўзларининг асосий таълим йўналишларидан бошқа мутахассисларни тайёрлаш йўналишларида бюджет ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги.

Ушбу вазият малакали мутахассисларга бўлган талаб ва таклифга таъсир этувчи қуйидаги омиллар таъсирида юзага келмоқда:

– минтақавий меҳнат бозори талаб этадиган касблар бўйича мутахассислар тайёрланмаётгани;

– ёшларнинг эгаллаган касбига мос иш ўринларининг етишмаслиги ёки минтақавий меҳнат бозорида таклифнинг чекланганлиги;

– иш берувчилар томонидан таклиф этилаётган мавжуд иш ўринларида иш ҳақининг нисбатан камлиги;

– ёшларни касбга йўналтириш (анъанавий касб турларидан бошқа касб турларининг мавжудлиги, уларнинг истикболи) бўйича ишларнинг талаб даражасида эмаслиги. «Касб-ҳунар коллежлари, афсуски, аксарият ҳолларда реал талаб бўлмаган касблар бўйича қуруқ диплом берадиган даргоҳга айланиб қолди»²⁶.

Таҳлиллар кўрсатишича, ёшлар расмий ишсизларнинг ярмини, қишлоқ жойларида эса 60 фоизини ташкил этади. Вақтинчалик ва бир марталик ишларда банд бўлган кишиларнинг 30 фоизи ҳам ёшлардан иборат. Меҳнат салоҳиятининг жадал суръатлар билан ўсиши, жумладан, қишлоқ жойларида меҳнат ресурсларига тўйинганлик юқори даражада бўлганлиги учун қишлоқ жойларида касбий таълимнинг такомиллашиб бориши ва иқтисодиётнинг реал

²⁶Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2018 йил 8 декабрь. //www.president.uz.

секторига инновациянинг кириб келиши номутаносиб, сушт суръатларда содир бўлаётганлиги кузатилади.

Ёшларнинг меҳнат фаоллиги иқтисодий-ижтимоий, демографик ва бошқа омилларга боғлиқ бўлиб, улар таркибида энг муҳими – меҳнат ресурслари билан иш жойларини мувофиқлаштириш, ёшларни ўқишга ва касб-ҳунарга тўғри йўналтириш ҳисобланади.

2020 йилда бошланган пандемия аҳолини, жумладан ёшлар бандлигини таъминлашнинг долзарблигини кучайтирди. Айниқса, уйдан туриб даромад топишнинг қулайроқ йўллари излаб топиш, электрон меҳнат бозори (фрилансинг)ни шакллантириш ва ривожлантиришга эҳтиёж кучайди. Ушбу ҳолат ёшлар учун бошланғич капиталсиз, интернет орқали масофадан туриб даромад олиш энг қулай йўл ҳисобланади.

Фрилансингни бошлаш учун бошланғич капитал талаб этилмагани ҳолда, ҳар қандай фриланс хизматлар учун дунёда доимо талаб бўлиши бу соҳани интернет орқали даромад келтирадиган ишлар рўйхатида биринчи ўринга олиб чиқади. Одатда «фриланс», «фрилансер», «штатсиз ишчи» атамалари луғавий маънода узок муддатли даврда аниқ бир иш берувчига ёлланиб ишламайдиган, ўзи хоҳлаган иш берувчи (бююртмачи) билан мустақил, эркин келишув асосида масофадан туриб ўзини ўзи иш билан таъминловчи шахслар учун қўлланилади.

XXI аср бошларида фрилансинг ўзини ўзи банд этиш, маблағ топиш ва талабга доир ишни бажариш шартлари инсонлар учун кўпгина қулайликларга эга бўлганлиги сабабли ёшлар кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Шу жумладан, давом этаётган пандемия шароитида ушбу соҳанинг жадал суръатларда ривожланишига, одамларни ишончини қозонишига олиб келди. Фрилансинг шароитида инсонлар ўзлари учун қулай бўлган форматда уйдан чиқмай, масофавий тарзда ишлашади. Юқоридаги ҳолат ва вазиятни эътиборга олган ҳолда мамлакатимизда ушбу йўналишдаги меҳнатни рағбатлантириш бўйича кенг имкониятлар яратилмоқда.

Диссертациянинг «**Норасмий иқтисодиётнинг меҳнат бозори амал қилишига таъсири ва уни легаллаштириш йўллари**» деб номланган учинчи бобида норасмий иқтисодиётнинг меҳнат бозори конъюнктураси ўзгаришига таъсири, норасмий меҳнат бозорининг шаклланиши ва амал қилишига таъсир қилувчи турли омиллар, норасмий меҳнат бозори амал қилиш механизмининг шаффофлигини таъминлаш ва легаллаштириш йўллари тадқиқ этилган.

Тадқиқот ишида иқтисодиёт турлари юзасидан турли илмий ёндашувлар қиёсий таҳлил этилган.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, норасмий сектор фаолияти ҳукумат томонидан:

одатда	—————→	эътироф этилади;
камдан-кам	—————→	қўллаб-қувватланади;
тез-тез	—————→	тартибга солиб турилади;
баъзан	—————→	фаол равишда босим ўтказилади.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, кўплаб давлатларда аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, иш ҳақи бўйича мунтазам қарздорлик ва давлат секторидида иш ҳақининг камлиги, расмий секторда меҳнатда бандликнинг ялпи беқарорлиги оқибатида расмий секторда ишловчиларнинг норасмий секторга ўтиб кетиши, иқтисодий нофаол аҳолининг меҳнат бозорига мажбуран чиқиши ва норасмий секторни тўлдириши, норасмий секторда иккиламчи бандлик доирасининг кенгайиб бориши кузатилмоқда.

Норасмий меҳнатда бандлик мавжуд қатор мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, бундай меҳнатда бандлик расмий секторда ишчи ўринлари яратилиши билан ўз-ўзидан йўқолмайди.

Норасмий меҳнатда бандликка нисбатан давлатнинг қаттиқ сиёсати натижасида норасмий секторнинг қисқариши ишсизликнинг янада кескин ўсиб кетишига олиб келади ва норасмий секторда иккиламчи банд бўлган кишиларнинг турмуш даражасини, мутаносиб равишда, кескин пасайтириб юборади. Давлат томонидан норасмий секторни тақиқлаб қўйиш унинг хуфиёна шаклга ўтишига олиб келади.

Иқтисодиётнинг норасмий секторидида ишловчиларга расмий статистикада ҳисобга олинмаган, ёлланиб доимий, вақтинчалик, бир марталик ва мавсумий ишларни бажарувчи, шу жумладан, ушбу ишларни амалга ошириш учун республика ташқарисига чиқувчи шахслар; ўз бизнесини юритувчи шахслар; шериклар билан ёлланмаган ҳолда ишловчи шахслар; қонун йўли билан тақиқланмаган, бироқ расмий рўйхатдан ўтказилмаган фаолиятдан иш ҳақи ёки даромад олувчи шахслар киради.

Норасмий секторда меҳнатда бандликнинг бир қисмини иқтисодий фаол аҳолининг ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга ёлланиб ишлаши ташкил этадики, унинг объектларидан бири – ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг ишчи кучини харид қилишлари ҳамда иқтисодий фаол аҳолининг бир қисмини ўз ишчи кучини қиймати даражасида сотиши мумкин бўлган «мардикор бозор»лари ҳисобланади.

Тадқиқот ишида «Мардикор бозори»нинг объекти ва субъекти юзасидан илмий изланишлар олиб борилди. «Мардикор бозори»га чиқишнинг сабаблари – доимий даромад манбаига эга бўлиш ва қўшимча даромад топиш эканлигидан келиб чиқиб, мардикор бозори орқали ишга ёлланувчи шахсларни қуйидаги тоифаларга бўлиш мумкин:

– мактабни битириб, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга кира олмаган ва ўзига муносиб иш топа олмаган ёшлар;

– иш ҳақи нисбатан кам бўлган корхоналардан ихтиёрий равишда ишдан кетганлар;

– иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши, корхоналарнинг вақтинча ё умуман тўхтаб қолиши, банкротга учраши туфайли ишчи ва хизматчиларнинг ишдан мажбурий бўшатилиши;

– йирик корхоналарнинг иш билан тўла таъминланмаганлиги туфайли қисман ишчиларнинг ишдан мажбурий бўшатилиши;

– ишчи кучининг касби, малакасига мос иш топа олмаслиги, ишчи кучи кўнимсизлиги;

– касб-хунарга эга бўлмаганлар;

– иш ҳақини ўз вақтида бермаётган корхоналар ходимлари. Бу тоифага кирувчи шахсларнинг меҳнат дафтарчаси корхоналарда юритилади;

– ўқиш ва ишдан бўш вақтларида ишга чиқувчилар.

Таҳлиллар «мардикор бозори»даги янги қонуниятни кузатиш имконини берди, яъни «мардикор бозори»га чиқиш даври ортган сари мана шу даврга мос равишда «мардикор бозори»га чиқувчилар сони камаяди».

Шу ўринда «мардикор бозор»ларининг очиқ ва ёпиқ турлари мавжудлиги кузатилди.

Юқорида аниқланган қонуният мазмун-моҳияти шундаки, очиқ «мардикор бозори»га кўп йиллар давомида чиқиш ёлланувчиларнинг психологик ва жисмоний жиҳатдан бир-бирига ўзаро яқин кишилар билан гуруҳ бўлиб ишлаш жараёнини юзага келтиради ва уларнинг ёпиқ «мардикор бозори»да фаолият кўрсатишларига имкон яратади.

Шунингдек, тадқиқот жараёнида «мардикор бозори» ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф, ишчи кучи ва иш ўринларининг сони ва сифати бир-бирига номуносиб бўлган иқтисодий циклнинг муайян даври учун доимий характерга эга бўлиб, фақатгина иқтисодий циклнинг бошқа даврларида унинг шакл-шамойили ўзгариши мумкин, деган яна бир қонуният аниқланди.

Алоҳида олинган ҳудудларнинг ривожланиш даражаси билан норасмий сектор кўлами ўртасида тесқари боғлиқликнинг мавжудлиги, яъни норасмий секторнинг кўлами иқтисодий ривожланиш даражаси паст бўлган давлатларда юқори, иқтисодий ривожланиш даражаси юқори бўлган давлатларда бўлса нисбатан пастлиги кузатилди.

Ўзбекистондаги норасмий меҳнатда бандлик ривожланишининг тенденциясини баҳолаб, норасмий меҳнатда бандлик бозор муносабатларига ўтиш жараёнининг дисфункцияси сифатида эмас, балки бозор муносабатларига аҳолини фаол жалб этувчи ҳамда ўтиш жараёнига кўмаклашувчи механизм сифатида ўзини намоён этади, деган хулосага келинди.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг концептуал асослари, унинг минтақавий жиҳатлари, ишчи кучи миграцияси ва уни тартибга солиш йўналишлари ўрганилган.

Меҳнат бозорини давлат йўли билан тартибга солиш чора-тадбирлари танланганда, фаол тадбирларга, жумладан, касб таълими, ишга жойлаштириш, ишсизларни ишга таклиф этиш дастурлари, давлат ижтимоий таъминотида бўлган иқтисодий жиҳатдан нофаол фуқароларга кўмаклашишга эътибор қаратилади.

Меҳнат бозоридаги фаол сиёсат концепцияси меҳнат бозорини тартибга солишни белгиловчи стратегия сифатида намоён бўлмаса, у ҳолда ижтимоий

ривожланишнинг қуйидаги ижтимоий-иқтисодий йўналишлардан бири устун бўлиб қолиши мумкин:

1. Меҳнат бозорида аҳолини юқори даражада ижтимоий ҳимоя қилиш талаблари инфляциянинг чуқурлашувига сабаб бўлади, иқтисодий нофаоллик вужудга келади, бу эса иш ўринлари тизимини сифат жиҳатидан ўзгартириш имкониятларини ва меҳнатни сарфлашнинг янги соҳаларини ривожланишини чеклайди. Ушбу ҳолат иш берувчини ишчи кучини қўшимча равишда ёллашни чеклашга мажбур қилади ва ишсизлик даражасининг ошишига сабаб бўлади.

2. Аҳолини оқилона ижтимоий қўллаб-қувватлаш самарали бўлмаса, жамиятдаги иқтисодий ўзгаришлар учун хавф-хатар солишнинг асосий манбаи ижтимоий-сиёсий соҳага кўчади, оммавий ишсизликнинг ўсиши оқибатида ижтимоий таҳдид ва ижтимоий беқарорлик муҳити шаклланади.

XXI аср бошларида халқаро меҳнат миграциясининг кўлами ўсиб, глобал характерга эга бўлди ва унинг жаҳондаги инқирози кузатилмоқда.

Неоклассик илмий мактаб тарафдорларининг таъкидлашларича, халқаро меҳнат миграцияси жараёнида эмигрантларни қабул қилган мамлакатларнинг фаровонлиги ўсади, шу билан бирга, бу жараён эмигрантларни чиқарувчи давлатнинг иқтисодий ривожланишига таъсир қилмайди.

Неокейнсча қарашлар тарафдорларининг фикрига кўра, ишчи кучини, жумладан малакали, олий маълумотли ишчи кучини экспорт қилган давлатнинг иқтисодий ҳолати ёмонлашиши эҳтимоли мавжуд.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, даромад топиш мақсадида хорижга чиқувчи Ўзбекистон фуқароларининг 90,5 фоизи аҳолиси таркибида меҳнатга лаёқатлилар сони камайиб бораётган Россия Федерацияси (80,8 фоизи) ва Қозғистон (9,7 фоизи) давлатларига, шунингдек 5,6 фоизи Туркия, 1,9 фоизи Жанубий Корея ва 2 фоизи бошқа давлатларга тўғри келади²⁷. Ташқи меҳнат миграцияси жараёнида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон фуқароларининг 59 фоизини қишлоқ, 41 фоизини шаҳар аҳолиси ташкил этади. Шунингдек, уларнинг 52 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлар, 48 фоизи эса 31 ёшдан катталар ҳисобланади. Мигрантларнинг жинси бўйича таҳлили уларнинг 87,4 фоизини эркеклар, 12,6 фоизини бўлса аёллар ташкил этишини кўрсатади. Расмий маълумотларга кўра, Россияда меҳнат мигрантларнинг 40 фоизи қурилишда, 30 фоизи савдода, 10 фоизи саноат соҳасида, 7 фоизи қишлоқ хўжалигида, 5 фоизи транспорт соҳасида, 8 фоизи иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида меҳнатда банд бўлган. Расмий статистикада хизмат кўрсатиш соҳаси, уй-жой коммунал хизматлар ва уй ишларида банд бўлган мигрантларнинг ҳисобга олинмаганлиги сабабли расмий маълумотлардан фарқ қилади.

Меҳнат бозори сегментацияси концепциясига мувофиқ, бирламчи ва иккиламчи меҳнат бозорлари мавжудки, бирламчи меҳнат бозорига меҳнатда бандликнинг барқарор даражаси ва иш ҳақининг нисбатан юқори даражаси, профессионал юксалиш имконияти характерлидир. Иккиламчи меҳнат бозори

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурсларининг 2019 йил январь – декабрь ойларидаги (йиллик) ҳисоб-китоб балансига шарҳлар. 2019.9-бет.

эса беқарор меҳнатда бандлик, иш ҳақи даражаси ва ишчилар малакасининг пастлиги билан характерланади.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, меҳнат мигрантларининг миқдори улар томонидан ўзлари келган давлатларига юбораётган пул ўтказмалари, ушбу пул ўтказмаларининг мамлакатлар иқтисодий ҳолатига, мигрантларнинг иқтисодий ҳолатига қандай таъсир этаётганлигини белгилайди.

Пул ўтказмалари бозор муносабатлари шаклланаётган мамлакатлар учун жуда муҳим ташқи молиялаштириш манбаларидан бирига айланди. Аксарият мамлакатларда охириги ўн йилликда пул ўтказмалари оқими хусусий капитал ва расмий тақдим этиладиган иқтисодий ёрдамнинг ҳажмидан ошиб кетди. Пул ўтказмалари баъзи бир мамлакатлар учун хорижий валюта тушумлари ва мамлакатда камбағаллик даражасини қисқартиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, респондентлар 23 фоизининг пул жўнатмалари уларнинг оилаларини моддий жиҳатдан тўла-тўқис таъминлайди, 41 фоиз респондентларнинг оиласини эса 50 фоизгача таъминлайди.

Ташқи меҳнат мигрантларидан 26 фоизининг моддий ҳолати миграцияга қадар ниҳоятда оғир (даромадлари, ҳатто, энг зарур эҳтиёжларига етмаган), 48 фоизиники оғир (даромадлари фақатгина энг зарур эҳтиёжларини қондиришга етган), 20 фоизиники ўртача (даромадлари ўртача ҳаёт кечиришлари учун етган) бўлган. Миграциядан сўнг эса моддий аҳволи жуда оғир бўлганлар 26 фоиздан 2 фоизга, моддий аҳволи оғир бўлганлар 48 фоиздан 31 фоизгача камайган бўлса, моддий аҳволи ўртача бўлганлар 20 фоиздан 56 фоизгача кўпайди.

Ўзбекистон МДҲ давлатлари ичида Россия Федерациясидан пул ўтказмалари бўйича 1- ўринда туради. 2019 йилда 4,7 млрд. АҚШ доллари пул ўтказмалари амалга оширилди. Шундан 1,6 млрд. доллари Россия резидентлари томонидан, 3,1 млрд. доллари Ўзбекистон резидентлари томонидан амалга оширилди. 1 та пул ўтказмасининг ўртача суммаси 374 долларни ташкил этди.

Мигрантларнинг сифат таркиби таҳлиллари кўрсатдики, уларнинг 24,5 фоизи олий маълумотли, 70,2 фоизи ўрта махсус ва 5,3 фоизи ўрта маълумотли шахслар ҳисобланади.²⁸ Бироқ, ташқи меҳнат миграцияси жараёнларида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон фуқароларининг маълумотлилиқ даражаси билан улар меҳнат фаолиятини амалга ошираётган корхона турлари ўртасида номутаносибликлар мавжуд эканлиги кузатилади, яъни аксарият ҳолларда мигрантларнинг маълумотлилиқ даражасидан қатъи назар, улар малака талаб этмайдиган ва нисбатан паст иш ҳақи тўланадиган шароит ва даражада фаолият кўрсатмоқдалар. Жумладан, уларнинг 37 фоизи кичик корхона ва фирмаларда, 27 фоизи хусусий тадбиркорлик соҳасида, 15 фоизи йирик корхоналарда, 12 фоизи оилаларда, жисмоний шахсларга ёлланган ҳолда, 6 фоизи давлат ташкилоти ва муассасаларида, 3 фоизи бўлса жамоа (давлат) хўжаликлари, фермер хўжаликларида ишлаб, фаолият олиб

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурсларининг 2019 йил январь–декабрь ойларидаги (йиллик) ҳисоб-китоб балансига шарҳлар. 2019.–9-бет.

бормоқдалар.²⁹ Ташқи меҳнат мигрантларнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича меҳнатда бандлиги таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг 52,4 фоизи – қурилишда, 11 фоизи – қайта ишлаш саноатида, 9,6 фоизи – улгуржи ва чакана савдо, автомобилларни таъмирлаш, 9 фоизи – қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, уй-жой ҳамда озиқ-овқат хизматларида, 7 фоизи – ташиш ва сақлаш, ёрдамчи хизматларни бошқариш ва таъминлаш, 9 фоизи эса хизмат кўрсатишнинг бошқа ҳар хил турлари ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида фаолият олиб бордилар.³⁰

Тадқиқотлар кўрсатишича, ташқи меҳнат миграциясига мажбур этаётган асосий омил бу – моддий омил бўлиб, юқори даромад топиш иштиёқи (55%), яшаш жойида унга мос ишнинг йўқлиги (17,5%) ёки иш ҳақининг нисбатан паст эканлиги (17,5%) ҳисобланади³¹.

Ўзбекистонда норасмий ташқи меҳнат миграциясининг кенгроқ тарқалган шаклларида бири – тебранма миграция ҳисобланади. Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишини янги модели шаклланаётган дастлабки йилларда миграциянинг ушбу шакли нисбатан кенг тарқалди. Ҳозирги пайтда тебранма миграциянинг кўлами анчагина торайган, чунки тебранма мигрантларнинг бир қисми бозор иқтисодиётининг талабларига бардош бера олмасдан, ўз фаолиятларини тўхтатган бўлсалар, бошқа бир қисми майда савдо-воситачилик фаолияти орқали бошланғич капитални жамғариб олиб, уни иқтисодий фаолиятнинг бошқа соҳаларига жойлаштирган.

Ўзбекистон шароитида меҳнат миграцияси ривожланишига тўсқинлик қилувчи қуйидаги омиллар мавжуд:

– ташқи меҳнат миграцияси бўйича ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш имкониятидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги;

– аҳолида халқаро меҳнат бозорига чиқиш учун етарли билим, малакавий кўникма ва тажрибанинг етишмаслиги ҳисобланади.

Тадқиқотлар жараёнида хорижга норасмий чиқиб ишлаш ҳолатларига нисбатан ижтимоий фикрларни ўрганишга ҳам ҳаракат қилинди. Расмий маълумотларда уларнинг сони кам бўлишига қарамай, респондентларнинг 52 фоизи «хорижда ишловчилар сони кўп», деб ҳисоблайдилар. «Яқин орадаги кўшниларингиздан нечтаси ҳозирда хорижда ишламоқда?», деган саволга респондентларнинг 90,7 фоизи жавоб қайтарди. Улардан 53,3 фоизи 10тагача рақамни, 26,5 фоизи 10тадан 20тагача, 20,2 фоизи эса 20дан ортиқ рақамни кўрсатди ва ўртача кўрсаткич 11,7 нафарни ташкил этди³². Мантиқан, агар респондентлар ўз кўчасининг ярим аҳолисини кўшнилари, деб ҳисобласа ҳам бир маҳалладан хорижда ишлайдиганлар сони 20тадан кўп бўлиб чиқади.

Шу ўринда, қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда меҳнат миграциясининг кенг тарқалган шаклларида бири – ички миграция ҳисобланади. 2019 йилда

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурсларининг 2019 йил январь–декабрь ойларидаги (йиллик) ҳисоб-китоб балансига шарҳлар. 2019.–9-бет.

³⁰ Ўша жойда.–7-бет.

³¹ Сўров натижалари/Сўров Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан ўтказилган бўлиб, уларда диссертант бевосита иштирок этган. – Х. 3.

³² Сўров натижалари/Сўров Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан ўтказилган бўлиб, уларда диссертант бевосита иштирок этган. – Х. 3.

республика ичидаги миграция жараёнларида меҳнат фаолиятини амалга ошираётганлар жами меҳнатда банд аҳолининг 11,4 фоизи, шундан 7,1 фоизи Тошкент шаҳрига келиб ишлайдиганлар ҳисобланади. Уларнинг 78,6 фоизини эркаклар, 21,4 фоизини эса аёллар ташкил этади. Республика ичидаги тебранма мигрантларнинг ёш таркиби қуйидагича: 50,5 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлар, 49,5 фоизи 31 ёшдан катталар ҳисобланади. Ички тебранма мигрантларнинг маълумотлилик даражаси бўйича таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг 18,3 фоизи олий маълумотли, 58,8 фоизи ўрта махсус ва 22,9 фоизи бўлса ўрта маълумотга эга шахслардир³³.

Ўтказилган тадқиқотларда респондентлар таркибида хорижда ишлашни хоҳловчиларнинг (53 фоизи) ёки Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудда ишлаш учун бориши мумкин бўлганларнинг (22,8 фоизи) мавжудлиги норасмий меҳнат миграциясига қулай шарт-шароитлар яратиб беради. Ушбу жараённинг давлат томонидан тартибга солиниши, бундан меҳнат миграцияси йўналган давлатлар ёки ҳудудлар билан тегишли тарздаги шартномалар ва келишувлар тузган ҳолда фуқаролар давлатнинг ижтимоий ҳимоясига олиниши зарурати келиб чиқади.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда меҳнат бозори амал қилиш механизмини такомиллаштириш йўналишлари**» деб номланган бешинчи бобида меҳнат бозорида кластер тузилмаларини шакллантириш ва унинг қатор истиқболли моделлари ишлаб чиқилди, Ўзбекистон меҳнат бозорининг иерархик модели, уни ривожлантиришнинг муқобил вариантли сценарийлари, инсон капитали бозорини ривожлантириш йўналишлари ҳамда истиқболлари белгиланиб, уни бошқариш модели таклиф этилди.

Таъкидлаш жоизки, «меҳнат бозорининг амал қилиш механизми умумлаштирилган тарзда, меҳнат бозорларининг моделлари ҳисобланади. Бунда модель дейилганда, ҳодиса, жараённинг тузилиши ёки баён этилиши тушунилади»³⁴.

Кластер – манфаатдор субъектлар (таълим, ҳокимият, ишлаб чиқариш) кучларини бирлаштиришнинг, уларни бир-бирига манфаатли боғлашнинг ташкилий шакли ҳисобланади. Кластерларни шакллантириш ва уларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун ҳудудларда фойдаланилмай ётган давлат объектлари мавжуд бўлиб, улар манфаатдор субъектлар кучларини бирлаштириш учун асос ва манба бўлиб хизмат қилади ва вазифа – муайян касбий тайёргарликка эга бўлган ишчи ва мутахассисларга нисбатан юзага келадиган эҳтиёжни қондириш ҳисобланади. Кластер тузилмалар орқали эса бизнес тузилмалари томонидан муайян миқдордаги зарур ишчи кадрлар ва мутахассислар бўйича «бунортма»лар бериш, уларни иш берувчи талабига мувофиқ замонавий, жаҳон андозалари асосида ҳудудий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари кўмагида касб-хунарга ўқитиш ва қайта ўқитиш учун шарт-шароитлар яратилади.

³³ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурсларининг 2019 йил январь–декабрь ойларидаги (йиллик) ҳисоб-китоб балансига шарҳлар. 2019.–8-бет.

³⁴ Абдурахмонов Қ. Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт. Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «FAN» нашриёт давлат корхонаси, – 2019. – 124- бет.

Худудларда кластер тузилмаларининг яратилиши меҳнат бозорида интеграциялашган уч даражали тизимни шакллантириш, жумладан биринчи даража тизим асоси бўлган бозор шароитларида таклиф этилаётган меҳнатга мослашиш бўлиб, иккинчи даража ўз ичига олий ва ўрта махсус таълими дастурлари билан уйғунлаштирилган узлуксиз таълимнинг барча дастурларини ишлаб чиқишни, учинчи даража бўлса кўшимча касб-хунарларга тайёрлаш ва даражалар бўйича алоҳида марказлар яратишни ўз ичига олади. (3- расм)




3- расм. Меҳнат бозорининг интеграциялашган ижтимоий-иқтисодий тузилмаси модели³⁵

Шунингдек, ўзини ўзи иш билан таъминлаётган меҳнатга лаёқатли аҳолининг аксарият қисмида ўз шахсий бизнесини ривожлантириб юбориш учун билим, кўникма ва тажриба етишмайди. Шунинг учун иссиқхоналарда маҳсулот етиштириш, чорвачилик (қуёнчилик, асаларичилик, қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик ва бошқ.) соҳаларида микрокластер тузилмаларини тузиш зарурати келиб чиқади. Ушбу микрокластер тузилмалари «маълумот бериш – таъминот – ишлаб чиқариш – маркетинг» тамойилида ишлаб, кредит олган оилаларда ўзини ўзи иш билан таъминлаётган меҳнатга лаёқатли аҳолига кўмаклашади. Бу микрокластер тузилмалари ёрдамида «давлат – бизнес тузилма – оила – бизнес тузилма – давлат» ўзаро манфаатлари таъминланади. (4- расм)

Меҳнат бозори иқтисодий, ижтимоий, технологик, сиёсий, демографик омилларга боғлиқ бўлган иерархик тузилишга эга бўлган тизим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан меҳнат бозорининг истиқболини белгилашда иерархик таҳлил қилиш усулига асосланган ёндашув танланди. Унга биноан, меҳнат бозорининг реал ҳолатини аниқловчи барча кўрсаткичлар, мезонлар, омиллар

³⁵ Муаллиф ишланмаси.

Ўрганилди ва меҳнат бозори яхлит кўп даражали тизим сифатида кўриб чиқилди, яъни меҳнат бозорининг истиқболдаги ҳолатини белгиловчи тузилма бир неча даражаларга ажратилди. Бунда биринчи даража меҳнат бозори истиқболининг мақсадини белгиласа, иккинчи даража қўйилган мақсадга эришишга таъсир этувчи бир қатор омиллардан иборат.



4- расм. Микрокластер тузилмаси модели³⁶

Ушбу омилларнинг ҳар бири меҳнат бозорида субъектларига боғлиқ бўлиб, улар турли даражада меҳнат бозорининг истиқболлига таъсир қилгани ҳолда учинчи даражани ташкил этади. Тўртинчи даража учинчи даражада жойлашган меҳнат бозори субъектларининг мақсадларини ифода этади.

Шундай қилиб, муқобил сценарийлар қуйидаги тартибда энг катта эҳтимолдан энг кичик эҳтимолга қадар тартибланди ва тегишли хулосалар ишлаб чиқилди:

- юқори малакали кадрлар бозорини кенгайтириш – 0,262;
- меҳнат бозорининг ҳозирги ҳолатини сақланиб қолиши – 0,206;
- тўлиқ меҳнатда бандликни амалга ошириш – 0,185;
- меҳнат миграциясининг кучайиши – 0,143;
- иқтисодиётнинг давлат секторини ривожлантириш – 0,122;
- ишсизликнинг ўсиши – 0,079.

Муқобил вариантларнинг таркибида яқин келажакда «юқори малакали кадрлар бозори» катта аҳамиятга эга эканлиги кузатилади. Ушбу ҳолат истиқболда Ўзбекистон меҳнат бозори алоҳида талабга эга бўлган юқори малакали кадрларга йўналган бўлишидан ҳамда инсон капитали бозорининг ривожланиши ва такомиллашишидан далолат беради.

³⁶ Муаллиф ишланмаси.

салбий таъсир кўрсатади ($Q_n; z$). Ижобий таъсири ҳудуд иқтисодиётининг ривожланишини ўрта ва узок муддатга мўлжалланган прогнозлари ҳақидаги маълумотларни олиш ҳисобига амалга оширилади. Унинг салбий таъсири бўлса статистик маълумотларнинг нотўғрилиги, ҳудуд иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги ҳолати ҳақидаги маълумотларда фарқларнинг мавжудлиги ҳисобланади.

ХУЛОСА

Инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши шароитида меҳнат бозори ривожланишининг концептуал асосларини тадқиқ этиш жараёнида унинг амал қилиш механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ қуйидаги илмий хулосалар олинди:

1. «Меҳнат бозори – ишчи кучини сотиш, сотиб олиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуасидир».

2. Меҳнат бозорининг моҳиятини англашда унинг элементи сифатида «ёллаш» иқтисодий категориясини қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Меҳнат бозорининг амал қилиш механизмини ёритишда «ёллаш» вақти эътиборга олинмайди. Бироқ, «ёллаш» ҳозирги замон меҳнат бозорининг зарур, муҳим элементи ҳисобланади. Ёллаш иқтисодий категорияси нуқтаи назаридан меҳнат бозори ёлланиб ишлашга муҳтож ишчи кучининг меҳнатга лаёқатли қатламлари ҳамда ёлланиб ишлашни тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва ишчи кучини ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнига киритиш бўйича ишлаб чиқариш омилларининг жисмоний ёки юридик эгалари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимидан иборат.

3. «Меҳнат» категорияси бир вақтнинг ўзида кишиларнинг меҳнат қилиш қобилияти (потенциал) ва меҳнат қилиш қобилиятининг ҳаракатда бўлиши (функционал) каби икки ҳолатни акс эттиради. Меҳнат бозорида ишга жойлаштиришга муҳтож бўлган иш билан таъминланмаган шахсларни потенциал ишчи кучига қараб ишга жойлаштирилганда, унинг функционал ишчи кучи кейинги ўринга ўтиб қолади. Натижада, меҳнат реализациясидан сўнг меҳнатда бандларнинг бир қисмини ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларнинг қаторига киритилиши содир бўлади. Ушбу ҳолат ишсизликнинг табиий даражасини кўтарилишига олиб келади.

4. Мавжуд бўш иш ўринлари таркибини тикувчи-бичувчи, йигирувчи, газ пайвандловчи, электрик, чилангар, электромонтажчи, ҳайдовчи, сантехник, пармаловчи, қурилиш ишлари, жумладан сувоқчи-бўёкчи, том ёпувчи, ғишт терувчи, бетончи, кран машинисти, бульдезорчи каби меҳнат бозорида талаб анчагина юқори бўлган ишчи касблари ташкил этиши боис умумтаълим мактабларида ва оилада ёшларни касб-ҳунарларга йўналтириш ишларини янада жонлантириш, бунда «оила – мактаб – касб-ҳунар мактаби» тизимини ривожлантириш, ёшларни замонавий касб-ҳунарлар эгаллашга тўғри йўналтириш, касб-ҳунар мактабларида ёшларга ички ва ташқи меҳнат бозорларидаги талабларни, халқаро андозаларни жиддий ўрганган ҳолда билим бериш ишларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

5. Республика минтақалари демографик ўсиш суръатларига кўра бир-биридан фарқланади. Аҳоли сони динамикасига кўра, минтақаларнинг икки гуруҳини ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга меҳнат ресурсларининг тез суръатда ўсиши ҳамда меҳнатга лаёқатли аҳолига юқори демографик юклама хос бўлса, иккинчи гуруҳга аҳоли ва меҳнат ресурсларининг ўсиш суръати секинлашган ва демографик юклама нисбатан кам бўлган минтақалар киради. Биринчи гуруҳда асосий муаммолар меҳнат бозорига кучли демографик босим, ишсизлик таваккалчиликлари билан боғлиқ бўлса, иккинчи гуруҳда аҳолининг кексайиб бориши кузатилади. Таҳлиллар кўрсатишича, мамлакат минтақаларида демографик ривожланиш тенденцияси туғилишнинг маълум даражада камайишида намоён бўлмоқда, бу эса аҳолининг ёш таркибига таъсир кўрсатмоқда.

6. Янги иш ўринларини яратишда уларнинг қийматига эътибор қаратиш ва иш ўринлари самарадорлиги билан қиёсий таққослаш муҳим аҳамиятга эга. Яратилаётган ҳар бир янги ишчи ўрнининг қиймати аҳолини иш билан таъминлашнинг йўналишлари бўйича турли-туман бўлиб, қиммат янги иш ўринлари юқори технологияли объектлар йўналишига, энг арзони бўлса касаначилик, шу жумладан, ўзини ўзи банд этиш йўналиши ҳиссасига тўғри келмоқда. Ушбу ҳолат бўлса аҳолини иш билан таъминлашнинг эгилувчан шаклларида фойдаланиш самарали эканлигидан далолат беради.

7. Таҳлиллар кўрсатишича, жами аҳоли таркибида меҳнатга лаёқатли ёшидаги шахслар салмоғининг ортиб бориши ё боқимандалик юкламасининг пасайиши тенденцияси кузатилади. Ушбу ҳолат бўлса келажакда қуйидаги оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин: биринчидан, меҳнатга лаёқатли ёшдагилардан самарали фойдаланмаслик натижасида ишсизлик муаммоси долзарблигича қолавериши; иккинчидан, ўсиб бораётган меҳнатга лаёқатли ёшдагилардан самарали фойдаланиш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мумкин.

8. Ёшлар меҳнат бозорида етарли даражада рақобатбардош эмас. Улар расмий ишсиз мақомига эга кишиларнинг ярмини, қишлоқ жойларида эса 60 фоизини ташкил этади. Вақтинчалик ва бир марталик ишларда банд кишиларнинг 30 фоизи ҳам ёшлардан иборат. Меҳнат салоҳиятининг тез суръатлар билан ўсиши, жумладан, қишлоқ жойларида меҳнат ресурсларига тўйинганлик юқори даражада бўлган шароитда содир бўлмоқда, ушбу ҳолат натижасида кўплаб ёшлар ўзларининг доимий турар жойидан ташқарида, миграция йўли билан иш излай бошлайди.

